

***Қонун лойиҳалари экспертизаси - қонунлар мукамаллигини
таъминлашнинг муҳим шарти***

Мамлакатимизда ҳаётига изчил татбиқ этиб келинаётган тараққиётнинг “ўзбек модели” ислохотларнинг босқичма-босқич, яъни тадрижий-эволюцион йўл билан амалга оширилиши энг мақбул йўл эканлигини тўла исботлади. Шу боис бугунги кунгача давлат қурилиши ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларида демократик ислохотлар босқичма босқич давом эттириб келинмоқда. Мазкур ўзгаришларни 2015 йил январь ойидан буён янги таркибда ўз фаолиятини давом эттириб келаётган парламентимиз фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

2015 йилнинг 23 январь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбарининг мазкур маърузасида Олий Мажлисининг аввалги таркиби фаолиятига юқори баҳо берилиб, унинг сўнгги йилларда амалга оширган фаолиятига доир қимматли маълумотлар, фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилди.

Хусусан, парламентимиз ўтган беш йил мобайнида ҳаммаси бўлиб 140 дан ортиқ қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги, хусусан, 30 га яқин қонунчилик ҳужжатлари қонун устуворлигини таъминлаш, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг самарадорлигини оширишга хизмат қилганлиги мамлакатимиз ривожидида муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Ундан ташқари, Олий Мажлис томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида амалга оширилган ишлар мамлакатимиз эртанги кунини белгилаб берадиган, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ислохотларнинг Стратегик дастурига айланганлиги қайд этилди.

Махтарам Юртбошимиз томонидан парламентимизнинг сўнгги йилларда эришган ютуқлари эътироф этилиб, шу билан биргаликда йўл қуйилган айрим камчиликларга ҳам ҳаққоний баҳо берилди. Маърузада жиддий хатоликларга олиб келган сабаб ва шароитлар чуқур таҳлил этиб берилди ҳамда янги сайланган парламентнинг олдида турган долзарб вазифалар бўйича ўз фикр-мулоҳаза, тавсиялар билдирилди.

Қисқа қилиб айтганда, маърузада қайд этилган камчиликлар асосан парламент қонун ижодкорлиги фаолияти ва қонунлар ижроси устидан парламент назоратининг етарлича олиб борилмаганлиги ҳамда қонун қабул қилиш механизмларига тегишлидир. Бу борада айниқса, парламент

фаолиятида қонунлар, ҳуқуқни қўллаш амалиётига етарлича эътибор берилмаётганлиги алоҳида қайд этилди.

Таъкидлаш керакки, парламентнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётига кам эътибор қаратганлигини нимада намоён бўлди?. Масалан, қабул қилинаётган қонунлар одамлар ҳаётига, мамлакатимиз тараққиётига қандай таъсир кўрсатаётгани ҳақида жойлардан келиб турадиган, парламентга ўз фаолиятини янада такомиллаштириш имконини берадиган ахборот алмашиш механизми деярли ишламаганлиги таъкидланади. Эътиборлиси, Президентимиз ҳар бир кўтарилган муаммога ўз ўрнида ўз таклифларини ҳам билдириб ўтганлигини қайд этиш жоиз. Мисол тарзида айтиш лозимки, мазкур камчиликни Олий Мажлис палаталарининг қонунчилик фаолиятини тартибга соладиган ҳуқуқий ҳужжатларда қонунларни ижрочиларга етказиш ва шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва амалга ошириш самарадорлигини албатта ўрганишни ва шу асосда парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурларига зудлик билан тузатишлар киритишни кўзда тутадиган меъёрий-ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш орқали ҳал этиш мумкинлигини қайд этадилар.

Президентимизнинг маърузасида парламент қонун ижодкорлигида қайд этилган муҳим камчилик бу кўпинча қабул қилинаётган қонунлар, уларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ишламаётганлиги ва бунинг сабаби, биринчидан, ушбу қонунларда улардаги нормаларни амалга ошириш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқилмагани билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, мазкур қонунларнинг самарали ишлашига ёрдам берадиган тегишли қонуности ҳужжатлари чиқарилмаётганлиги бўлиб, уларсиз эса бу қонунларда белгиланган қоидалар умуман ишламаётганлиги кўрсатилади. Ундан ташқари, айрим ҳолларда қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчиларнинг ўзига бино қўйиши, профессионал даражасининг етарли эмаслиги ҳам ўз таъсирини кўрсатаётганлиги таъкидланади.

Мазкур қайд этилган нуқсонларни бартараф этиш бўйича ҳам тегишли тавсиялар берилганлиги, ўйлаймизки парламентимиз фаолиятини янада такомиллашувига хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу билан биргаликда, қонун ижодкорлигида қонун лойиҳаларини хорижий ҳуқуқий амалиёт билан ҳар томонлама чуқур қиёсий таҳлил қилиш асосида уларни муҳокама этиш, тайёрлаш ишларини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтариш лозим эканлиги қайд этилди. Бу эса ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ҳаётимизга кенг жорий этиш имкониятини яратиб, мамлакатимиздаги ҳуқуқий тизим ва амалиётнинг жадал ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Миллий парламентимизнинг галдаги муҳим вазифаси Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, кўппартиявийлик тизимини изчил ривожлантириш ҳам муҳим эканлиги таъкидланганлиги бежиз эмас. Чунки, парламентимизда фракциялар ёки айрим депутатлар ўртасида доимо фикрлар карама-қаршилиги, мунозаралар бўлиши керак, айнан шу ерда сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари, манфаатлари ифода этилиб, депутатлар

Ўз фикрларини илгари сурадиган кучли баҳс ва рақобат бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ҳақиқат ва муаммоларнинг мақбул ечими баҳслар натижасида вужудга келади.

Юқорида кўтарилган масалаларни инобатга олган ҳолда, ҳуқуқ ижодкорлигининг жамият ҳаётига бўлган таъсиридан келиб чиқиб, шунини айтиш мумкинки, бу соҳадаги фаолият доимо такомиллаштириб борилиши лозим. Чунки барча ислохотлар қонунчилик базасини шунга мос равишда ўзгартиришни, вужудга келадиган муаммоларни тез ва сифатли ҳал қилиб боришни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган, ижтимоий йўналтирилган демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида амалга оширилаётган туб ислохотлар узвийлигини таъминлайди.

Мазкур маърузада билдирилган фикрларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, миллий парламентимиз олдида қонун ижодкорлигини такомиллаштириш орқали амалдаги қонунчилик базасини янада ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар турибди. Ундан ташқари, қонунларни тайёрлаш ва қабул қилишнинг пухта ишлаб чиқилган стратегияси ва тизими тўлиқ шаклланмаганлиги, қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми мукамал шаклланмаганлиги қонун ижодкорлиги йўналишида ҳали анчагина ишлар қилиш лозимлигини кўрсатади.

Қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда қонунийликка риоя этилиши, қонун лойиҳалари экспертизасини амалга оширувчи шахснинг касбий даражаси юқори бўлиши ва уларга берилган ваколатлар доирасида мустақиллиги таъминланиши, ўз нуқтаи назари ва хулосаларини баён этишда холислиги ва эркин бўлиши ва ниҳоят, қонун лойиҳасини тўлиқ таҳлили бўйича экспертнинг маъсулияти ва экспертиза натижаси бўйича ҳаққоний ва асослантирилган хулосалар тайёрлаши талаб этилади¹.

Ҳуқуқшунос А.Раҳмоновнинг фикрича: “Қонун лойиҳаларини экспертиза қилиш масаласи асосли ёндашувни талаб этади. Унинг принциплари қуйидагилардан иборат:

- мустақиллик – фақат Конституция ва бошқа амалдаги қонунларгагина бўйсуниб иш юритиш; компетентлик принципи;
- холислик – фақат қонунларда назарда тутилган талаб доирасида фикр бериш, ҳеч кимнинг манфаатига ён босмаслик;
- илмий асосланганлик – ўрганилаётган нормаларга нисбатан илмий жиҳатдан ёндашув;
- комплекс ёндашув;
- объективлик ва масъулиятлилик”².

Ҳуқуқшунос олим Ў.Мухамедов томонидан ҳам қонун ҳужжатлари лойиҳалари экспертизасининг моҳияти ва амал қилиш қонуниятларини

¹ Қаранг: Пиголкин А.С., Рахманина Т.Н., Абрамова А.И. Законопроекты должны проходить проверку на зрелость // Журнал Российского права. – Москва, 1997. – № 10. – С. 17-18.

² Раҳмонов А. Қонун ижодкорлигининг муҳим босқичи // Ҳуқуқ ва бурч. – Тошкент, 2009. – № 7. – Б.12-13.

белгиловчи, қонунийлик, мустақиллик, холислик, илмий асосланганлик, комплекс ёндашув каби принциплари санаб ўтилган³.

Профессор Х.Одилқориев экспертлар хулосаси бир қатор талабларга мувофиқ тузилиши лозимлигини таъкидлайди. Хусусан, “Лойиҳа бўйича ўтказилган тадқиқотнинг барча асосий натижалари экспертлик хулосасида ўз ифодасини топиши лозим. Мазкур хулоса холислик, бетарафлик, тўлатўқислик ва ҳаққонийлик принципларига асосланиб тузилиши шарт. Унда келтирилган далиллар илмий асосланган, ишончли, шубҳасиз ва бенуқсон бўлиши лозим. Экспертлик хулосаси аниқ, лўнда, содда тушунарли сўзлар билан равон баён этилиши унга қўйиладиган асосий талаблардан биридир. Хулосада лойиҳанинг ижобий жиҳатлари ва камчиликлари бирма-бир санаб, танқидий мулоҳазалар исботлаб берилиши мақсадга мувофиқ”⁴ эканлигини кайд этган.

Дарҳақиқат, бу вазифани амалга оширишда қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этувчи экспертлар ўз фаолияти давомида қонун нормалари билан тартибга солиниши лозим бўлган ижтимоий муносабатларнинг кўлами, ҳуқуқ ва мажбуриятлар доираси, ривожланиш тенденциялари ҳамда ҳуқуқий оқибати борасида аниқ тасаввурга эга бўлишлари, хорижий мамлакатларнинг айнан худди шундай ижтимоий муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ тажрибасини қиёсий таҳлил асосида пухта ўрганишлари талаб этилади.

Бу борада фуқаролик жамияти институтлари турли бўғинларининг амалий таклифлари, олимлар, юқори малакали мутахассисларнинг илгари сурган хулоса ҳамда ғоялари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Умуман айтганда, мамлакатда ижтимоий муносабатлар ривожланиб боргани сари уларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини ҳам такомиллаштириб бориш зарурати туғилади. Ижтимоий ҳаётни маълум тизимга солувчи, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини адолатли ўрнатувчи қонун нормаларини тайёрлаш ҳамда қабул қилиш, уларни ижрочиларга етказиш ва назорат қилиш қонун ижодкорларига катта масъулият юклайди.

³ Мухамедов Ў. Қонун ҳужжатлари лойиҳалари экспертизасининг назарий ва амалий муаммолари / “Қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш муаммолари”. Илмий-амалий семинар материаллари. – Тошкент, 2005. – Б. 6.

⁴ Одилқориев Х. Қонун лойиҳаларини илмий-ҳуқуқий экспертиза қилишни такомиллаштириш / “Қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш муаммолари”. Илмий-амалий семинар материаллари. – Тошкент, 2005. – Б. 31.